

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Рўйхатга олинди:
№ БД – 5220100- 3.04
2018 йил “18” 08



**БАДИИЙ ПУБЛИЦИСТИКА
ФАН ДАСТУРИ**

Билим соҳаси: 200 000 – Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ
Таълим соҳаси: 220000 – Журналистика ва ахборот
Таълим йўналиши: 5220100 –Журналистика (халқаро журналистика)

Тошкент – 2018

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил “25” августдаги 744-сонли буйруғининг 6-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг 2018 йил “18” августдаги 4-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

Исомиддинова М.

– ЎзДЖТУ, “Халқаро журналистика назарияси ва амалиёти” кафедраси ўқитувчиси

Нурматов А.

– ЎзДЖТУ, “Халқаро журналистика назарияси ва амалиёти” кафедраси мудири, ф.ф.н., доц.

Такризчилар:

Маматова Ё.

– ЎЗМУ, журналистика факультети “Рақамли ОАВ” кафедраси доценти, ф.ф.д. (*турдош ОТМ*);

Жалилов Н.

– “XXI аср” ижтимоий-сиёсий газетаси бош муҳаррири (кадрлар истеъмолчиси).

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2018 йил “27” июндаги “6” -сонли баённома).

I. Ўқув фанининг долзарблиги ва олий касбий таълимдаги ўрни

“Бадиий публицистика” фани умумкасбий фанлар блокига киритилган фан ҳисобланиб, 3-курсда ўтилиши мақсадга мувофиқ. “Бадиий публицистика” фани мутахассислик фанлар туркумига киради ва журналистиканинг бакалаврият таълим йўналишларида бошқа барча мутахассислик фанлари билан ҳам мувофиқликда ўқитилади. Журналистик ижод маҳорати асослари фани доирасида бадиий-публицистик жанрлар характеристикаси ҳақида; публицистика жанрлари: ахборот (информацион), таҳлилий-тадқиқий (аналитик), бадиий публицистик жанрларнинг муштарак ва ўзига хос томонлари ҳақида ўргатади.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйидаги талаблар қўйилади. **Талаба:**

- истиқлол йилларида Ўзбекистон матбуотида бадиий-публицистика тараққиёти тамойиллари ҳақида *тасаввурга эга бўлиши*;
- бадиий-публицистикада мантиқий мушоҳада ва бадиий тафаккур бирлигининг муҳимлигини *билиши ва улардан фойдалана олиши*;
- очерк, фельетон, памфлет, эссе, ёзувчи мақоласи, хат (эпистоляр публицистика) жанрлари, кичик бадиий-публицистик жанрлар (масал, эпиграмма, мақол, ҳикматли сўз, афоризмлар) сингари публицистик жанрларда ёза олиш *кўникмасига эга бўлиши керак*.

II. Ўқув фанининг мақсад ва вазифаси

Фанни ўқитишдан мақсад – талабаларга бадиий публицистиканинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида назарий билимларни бериш, бадиий публицистика жанрларида журналистик материал тайёрлай олиш кўникмаси ва малакасини шакллантиришдир.

Фаннинг вазифаси – талабаларда жаҳон журналистикасининг бадиий-публицистика йўналишига оид билим ва малакани мустаҳкамлаш, назарий билимларни шакллантириш ва амалда уни қўллай олиш кўзда тутилади.

Ушбу мақсадга эришиш учун фан талабаларни назарий билимлар, амалий кўникмалар, публицистика жанрларига оид назарий ва амалий ёндашув ҳамда шу жанрларда ёза олиш вазифасини бажаради.

“Бадиий публицистика” фанини ўзлаштириш жараёнида талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйидаги талаблар қўйилади. Талаба:

- публицистика ҳақида умумий тушунча: “бадиий публицистика” ҳамда “публицистика” истилоҳларининг маъноси ва мазмуни;
- бадиий публицистикада мантиқий мулоҳаза ва бадиий тафаккур бирлиги ҳақида, бадиий-публицистик жанрлар: очерк, фельетон, памфлет, хат, публицистика, эссе каби жанрлар ҳақида ва кичик бадиий-публицистик жанрлар(масал, эпиграмма, пародия, ўртоқлик ҳазиллари ва бошқалар) ҳақида тасаввурга эга бўлиши;

- бадий-публицистик жанрларнинг ўзига хос хусусиятларини, бадий-публицистик жанрда факт ва унинг талқинини, очеркда ҳаққонийлик принципи ва бадий тўқима меъёрини, фельетоннинг ижтимоий функциясини, памфлетда қўлланиладиган усулларни, хат жанрида ижод қила олишни, эссе табиати ва унинг ўзига хос хусусиятларини, кичик бадий-публицистик жанрларга “юкланадиган” ижтимоий “юк” нимадан иборат эканини билиши ва улардан фойдалана олиши;
- бадий-публицистик жанрларда ёзилган материалларни таҳлил қила олиш;
- очерк, фельетон, памфлет, эссе, хат жанрида ёза олиш;
- матбуот, радио, телевидение тахририятларида, нашриётда ишни ташкил қилиш кўникмаларига эга бўлиши керак.

III. Асосий назарий қисм (маъруза машғулотлари)

1-мавзу. Публицистика ва унинг жанрлари

Бадий-публицистик жанрларнинг пайдо бўлишидаги илк омилларни шарҳлайди; мақол, ҳикматли сўз, ривоятлардаги ижтимоий маъно; Тўмарис, Широқ, Спитамен мавзусидаги бадий ва публицистик асарларда ватанпарварлик руҳи қандай акс этганлиги ҳақида; Рим нотиклик санъатини, юнон тарихчилари ва Туркистон мавзусини, тошбитиклардаги ёзувларни, М. Қошғарий, Ю.Х. Ҳожиб, Бобур асарларидаги публицистик йўналишни, уларнинг аҳамияти;

2-мавзу. Бадий-публицистик жанрлар характеристикаси

Публицистикага таъриф. Публицистика жанрлари: ахборот (информацион), таҳлилий-тадқиқий (аналитик), бадий публицистик, оралиқ жанрлар. Бадий-публицистик жанрлар публицистиканинг баланд чўққиси эканлиги. Бадий-публицистикада мантиқий мушоҳада ва бадий тафаккур бирлиги. Бадий-публицистика жанрлари: очерк, фельетон, памфлет, эссе, адабий-танқидий мақола, хат (эпистоляр публицистика) жанрлари, кичик бадий-публицистик жанрлар (масал, эпиграмма, мақол, латифа, ҳикоят, ривоят, афсона, ҳикматли сўз, афоризмлар). Бадий мақоланавислик тарихидан. Истиқлол йилларида бадий-публицистика тараққиёти тамойиллари.

3-мавзу. Бадий-публицистик жанрлар тадрижи

XX асрда ўзбек бадий-публицистикасининг шаклланишини, ривожини, бугунги жамиятда тутган ўрнини баён этади. Очерк, фельетон, памфлет, эссе ёзувчи мақоласи, хат жанрлари, кичик бадий-публицистик жанрлар (масал, эпиграмма); Жанр – французча сўз genre - тур, хил; адабиёт, санъат ва журналистикада асарларнинг ички бўлинишида қўлланилиши;

Журналистик жанрлари – уч гуруҳга бўлиниши: 1) ахборот жанрлари, 2) таҳлилий жанрлар 3) бадий-публицистик жанрлар.

Бадиий-публицистик жанрлар – очерк, фельетон, памфлет, эссе, хат ва кичик ҳажвий жанрлар (пародия, эпитафия, масал, латифа, ҳангома, аския) ҳақида тушунча.

4-мавзу. Очерк – бадиий-публицистиканинг етакчи жанри сифатида

Бадиий-публицистиканинг кенг тарқалган жанри. Очеркда мантиқий мушоҳада ва образли тафаккур. Очеркда публицистик рух, публицистик тадқиқот. Эскиз ва этюд. Очеркда сюжет, композиция, конфликт, характер, тил, услуб масалалари. Очерк тарихидан. ”Мажолис-ун нафоис”, “Бобурнома”, “Саёҳатнома”ларда очерк унсурлари. Рус ва бошқа халқлар адабиёти ва публицистикасида очерк жанри ҳақида. Ғарб адабиёти ва журналистикасида “очерк” атамасининг ўрнига ”Эссе” атамасининг ишлатилиши. Очерк ҳақидаги ўзбек, рус ва бошқа халқлар тилларида ёзилган илмий тадқиқотлар (дарслик, монография, китоб, қўлланма, мақола ва бошқа тадқиқотларга шарҳ).

5-мавзу. Портрет очерк ва унга қўйиладиган талаблар

Портрет очерк - очеркнинг кенг тарқалган тури сифатида. Портрет ҳақида тушунча. Очеркда қаҳрамон, персонаж портретини чизиш йўллари. Газета очерки, журнал очерки, радио очерк, телеочерк, киноочеркда портрет чизиш усуллари. ”Мажолисун-нафоис”, “Бобурнома”да портрет чизиш санъати. Рус адабиётида портрет очерклари (А.Аграновский, Г.Бочаров очерклари асосида). Портрет очеркда характер, тип яратиш маҳорати. Портрет очеркда сюжет, композиция масалалари. Портрет очерк тили, услуби.

6-мавзу. Муаммоли очерк

Муаммоли очерк. Муаммо ҳақида тушунча, муаммоли (проблемавий) очерк – очеркнинг мураккаб, қийин жанри. Муаммоли очеркнинг ўзига хос хусусиятлари. ОАВдаги муаммоли очеркларнинг муштарак ва фарқли жиҳатлари, очерк ҳақидаги илмий тадқиқотлар (дарслик, монография, китоб, қўлланма, мақола ва бошқа тадқиқотларга шарҳ).

7-мавзу. Йўл очерки (сафарнома)

Йўл очерки-очеркнинг кенг тарқалган турларидан бири. Унинг ўзига хос хусусиятлари, тараққиёт тамойиллари. Йўл очерки тарихидан. “Бобурнома”, “Саёҳатнома” “Наводир –ул вақоя” (Аҳмад Дониш), “Саёҳат хотиралари” (М.Бехбудий), “Афғон сайёҳати” (А.Авлоний) кабилар ўзбек адабиётида йўл очерклари (сафарнома) нинг етук намунаси. Рус адабиётида йўл очерклари (Радищев:”Петербургда Москвага саёҳат”, Пушкин “Арзрумга саёҳат”, Гончаров: “Паллада” кемасида саёҳат”, Чехов: “Сахалин”, Горький: “Рус бўйлаб”, Илья Ильф ва Петров: “Бир қаватли Америка”; В. Песков, Стрельников: “Океаннинг нариги томонида” ва ҳ.к.) Эстон адиби

Ю.Смуулнинг “Музнома” (“Ледовая книга”) асари. Кейинги йиллар ўзбек адабиётида, журналистикасида йўл очерклари (В.Зоҳидов, Л.Қаюмов, А.Орипов, Э.Воҳидов, А.Мелибоев, М.Али, Назира Курбон, Д.Нурий ва бошқаларнинг йўл очерклари). Йўл очеркида сюжет, композициянинг ўзига хослиги. Йўл очеркининг тили ва услуби.

8-мавзу. Эссе жанри ва унга қўйиладиган талаблар

Эссе – бадиий-публицистик жанр. Эссенинг ўзига хос хусусиятлари. Эссе тарихидан. Мишель Монтень – эссе жанрининг асосчиси. Ғарб адабиётида эссенинг тараққий топганлиги. Рус адабиётида эссе. Ўзбек адабиёти, журналистикасида эссенинг ривож топаётганлиги. Эссе композицияси, тили, услубининг ўзига хос хусусиятлари.

9-мавзу. Эссе турлари

Бадиий ва публицистик эссенависликнинг хусусиятлари

Бадиий эссенависликда эссенавислик “мен”и “муаллиф”, “муаллиф образи”нинг услуб ё матн тузувчи категорияси ҳисобланади. Эссега матнни чуқур фалсафий мушоҳада қилиш, сюжетсизлик, композицион-нутқий ҳаракатлар траекториясининг хаотиклиги(спонтанлиги) ва насрнинг импрессион мусиқийлиги ҳам хослиги. Бу тип эссе муаллиф услубий маҳоратининг нозиклиги билан ажралиб туриши, эссе элементлари экспансияси ёзувчи маҳоратининг эркин фикрлайдиган одамлар учун эркин жанр сифатида ёзилишига мослашганлиги. Бу вариантда улар матн ичига йўналган бўлиб, эссенавислик “мен”и ички “нур” бўлиб, муаллифнинг ўзига, унинг фикрлар оламига қаратилиши

Европада, жумладан, Англия, Франция, Германия, Испания адабиётларида, шунингдек, Америка сўз санъатида эссе ўзига хос адабий жанр сифатида мустақил, ўзига хос бадиий-эстетик идрок ва ифода мезонларига эга эканлиги.

10-мавзу. Лавҳа – бадиий публицистика жанри сифатида

Лавҳада факт, воқеа-ҳодисалар ҳақида хабар бериш, уларни маълум даражада таҳлил этилиши билан биргаликда ҳаётни ёрқинроқ жонлантириш орқали тасвир этилиши тақозо этилиши. унда образ ва образлиқдан фойдаланишни талаб қилиши, лавҳада бирор воқеа ёки ҳодиса ёхуд киши фаолиятининг барча тафсилотлари эмас, балки маълум бир парчаси ёритиб берилиши.яъни, лавҳа жанри ҳаёт воқеалари ва ҳодисаларини жонли тарзда тасвир этишнинг публицистикадаги илк, дастлабки кўриниши эканлиги, Матбуот – газета ва журнал лавҳаси билан бир қаторда радиолавҳа ва телелавҳалар ҳам мавжудлиги. Уларнинг ўзига хос хусусиятлари радио ва телевидениенинг талабларидан келиб чиқиши.

11-мавзу. Хат – эпистоляр публицистика

Хат - бадий-публицистик жанр. Эпистоляр публицистиканинг ўзига хос хусусиятлари. Хат, мактуб тарихидан. Шарқ адабиётида номачилик. Алишер Навоий муншоати. Рус адабиётида эпистоляр публицистика (Белинский, Герцен, Л.Толстой, М.Горький, Ч.Айтматов хатлари). Ўзбек адабиёти, матбуотида хат жанри тараққиёти, тамойиллари, хатда муаллиф “мен”и. Хатда вазият таҳлили. Хат тили, услуги.

12-мавзу. Хат ва унинг турлари

Хат жанрининг тарихий-тадрижий шаклланиши ва турлари, хат жанрининг матбуотдаги ўрни ва аҳамияти, хат жанрининг ўзига хосликлари, бошқа жанрлардан фарқлари ҳақида тушунча ҳосил қилиш, хат жанрининг таърифи. Хат-бадий-публицистик жанр. Эпистоляр публицистиканинг ўзига хос хусусиятлари, ўзбек адабиёти, матбуотида хат жанри тараққиёти, тамойиллари, очиқ хат ва унинг ўзига хос хусусиятлари.

13-мавзу. Фельетон жанрининг ўзига хос хусусиятлари

Фельетон ва памфлет жанрларининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тушунча ҳосил қилинади. Фельетон - бадий-публицистик жанр. Фельетонда мантиқий муҳокама ва образли тафаккур. Фельетон - ўткир сатирик асар. Фельетон кулгиси: захарханда, мазах, чандиш, кесатиш, муболаға, аллегория ва б.лар., фельетон тарихидан, ўзбек адабиёти, матбуотида фельетон, Абдулла Қодирий - ўзбек фельетон қироли, Ғ. Ғулом, К. Алиев, Х. Тўхтабоев, С. Сиёев фельетонлари.

14-мавзу. Фельетон турлари

А. Қодирий – фельетон қироли, фельетон - жамиятдаги иллатларни фош этиши, оммада ва ҳокимиятдаги масъул кишиларда, ташкилотларда фикр уйғотиб, чора кўришга ундаши, иллатлардан қутулишга ёрдам бериши Хусусиятлари: мантиқий муҳокама, илмий тушунча, ўткир полемик рух, публицистик чўғ, аччиқ ва нордон кулги, сюжет, композиция, конфликтнинг ўзига хослиги, монолог ва диалогнинг мўллиги. Фельетон турлари ҳақида тушунча.

15-мавзу. Памфлет жанри ҳақида тушунча

Памфлет - сатира ўти билан куйдиришга, маҳв этишга қаратилган ўткир курул, памфлет тарихидан. Гитлер, Франко, Пиночет, Саддам Ҳусайнга, сиёсий муҳолифларга, террорчиларга қарши ёзилган памфлетлар, памфлетнинг тили, услуги, ифодавий воситалари, ўзбек матбуотида памфлет.

16-мавзу. Адабий-танқидий мақолалар. Ёзувчи мақоласи

Ёзувчи мақоласи – бадий-публицистик асар намунаси сифатида. Ёзувчи мақоласи – юксак маҳорат, профессионализм самараси. Ёзувчи мақоласида мантиқий муҳокама ва образли тафаккур иттифоқи. Ёзувчи мақоласининг

тили, услуби, композицияси. Рус адабиётидан Пушкин, Белинский, Добролюбов, Л.Толстой, Герцен, Чехов, Горький каби ёзувчи ва мунаққидларнинг адабий-танқидий мақолалари. Ўзбек матбуоти, адабиётда адабий-танқидий мақолалар тараққиёти тамойиллари.

17-мавзу. Бадиий публицистикада сатира ва юмор

Сатира ва юмор ҳақида маълумот. Сатира ва юморнинг кулгига асосланганлиги. Кулги табиати. Сатира (ҳажв) – ўткир кулги, захарханда, кесатиш, масхара қилиш. Фельетон, памфлет– сатирик асарлар.

Юмор – енгил, майин кулги: аския, латифа, анекдот, ҳазил-мутойиба - юморга асосланганлиги. Ҳажвий ва юмористик асарлар тарихидан. Навоий, Бобур, Турди, Махмур, Гулханий, Муқимий, Фурқат асарларида сатира ва юмор. Жаҳон адабиётда сатирик ва юмористик асарлар. Сатирик, юмористик газета, журналлар, радиоэшиттириш, телекўрсатувлар ҳақида. Сатирик, юмористик асарлар тили ва услуби.

18-мавзу. Кичик ҳажвий асарларнинг матбуотдаги ўрни

Кичик бадиий-публицистик асарларга қисқача тавсиф, Масал ва унинг хусусиятлари. Масалда аллегория. Э.Лафонтен, Крылов, Гулханий, С.Михалков масаллари. Ўзбек адиблари С.Абдуқаҳҳор, О.Қўчқорбеков, М.Худойқулов масаллари. Эпиграмма ва унинг хусусиятлари. Жанрнинг яхши намуналари.

19-мавзу. Карикатура кичик ҳажвий жанр сифатида

“Ҳажв шакл танламайди”, ҳажвий публицистика шу билан бирликда санъатнинг адабиётдан бошқа турлари билан ҳам ижодий алоқада бўлиши ва уларнинг ҳам имкониятларидан ўзига хос равишда фойдаланиб келади. Жумладан, у тасвирий санъатнинг жанговар, ҳозиржавоб тармоғи бўлмиш ҳажвий суратчилик – карикатурадан ҳам кенг фойдаланиши. Асосий хусусияти бирор шахс, воқеа ёки ҳодисага тегишли салбий томонларини масхара қилиш мақсадида кулгили тасвир этишдан иборат бўлган карикатура ҳам ҳажвий матбуотдан жой олиб, уни тўлдириши ҳамда ҳажвий публицистиканинг ажралмас таркибий қисмини ташкил этиши. Карикатура ўз навбатида ҳажвий портрет, ҳажвий манзара, шарж – ҳазил ва бошқа ички жанрларга бўлиши.

IV. Амалий машғулотлар бўйича кўрсатма ва тавсиялар

- Бадиий-публицистик жанрларга тааллуқли асарларни матбуот саҳифаларидан топиш ва таҳлил қилиш
- Матбуотдаги материалларни жанр хусусиятлари нуқтаи назаридан классификация қилиш
- Матбуотда чоп этилган очерк жанрига мисоллар топиш ва таҳлил қилиш
- Матбуотдан портрет очерklarини топиш, портрет очерк ёзиш ва уни публицистик нуқтаи назардан таҳлил қилиш

- Газета саҳифаларида чоп этилган муаммоли очеркларни топиш ва муаммоли очерк ёзиш
- Матбуотда чоп этилган замонавий йўл очеркларига мисоллар топиш, уни жанр хусусиятлари нуқтаи назардан таҳлил қилиш
- Йўл очерки ёзиш, унда эскиз, детал ва чизгилардан фойдаланиш
- Талабалар томонидан ёзилган йўл очеркларини таҳлил қилиш
- Машҳур эсселарни, матбуотда чоп этилган замонавий эсселарни топиб ўқиш, таҳлил қилиш
- Талабалар ёзган эсселарни таҳлил қилиш
- Лавҳа-бадий публицистикнинг жажжи жанри
- Матбуотда чоп этилган хатларни топиш ва уларни турларига қараб таснифлаш.
- Талабалар томонидан ёзилган хатларни таҳлил қилиш.
- Фельетон ва унинг жанрий хусусиятлари
- Фельетон турлари
- Памфлет жанри ҳақида тушунча
- Ёзувчи публицистикаси юзасидан амалий тушунча ҳосил этиш; атоқли ёзувчиларнинг мақоласини таҳлил қилиш
- Талабалар ёзган пародия, эпитафия, латифа, миф, афсона, ривоят сингари кичик жанрларни таҳлил этиш
- Карикатура: тасвирий санъатми, публицистик жанр? Матбуот саҳифаларидан очерк топиш ва таҳлил қилиш.

Амалий машғулотларни ташкил этиш юзасидан кафедра томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Талаба асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини амалий машғулотларда мустақамлайди ва бойитади. Дастурда кўрсатилган жанрлар бўйича ёзиш малакасига эга бўлиш, шунингдек, ОАВда ушбу жанрлардаги материаллари билан фаол иштирок этиш тавсия этилади.

V. Мустақил таълим ва мустақил ишлар

Мустақил таълим учун қуйидаги мавзулар ва фаолият турлари тавсия этилади:

- Бадий-публицистик жанрлар ҳақидаги назарий китобларни ўқиб чиқиш. Тертычный А.А. “Жанры периодической печати”, О.Тоғаев “Публицистика жанрлари” М.Худойқулов “Журналистика ва публицистика” китоблари мисолида
- “Маърифат” газетасида чоп этилган портрет очеркларнинг ўзига хослиги
- Озод Шарафиддиновнинг “Домлалар”, Саид Аҳмаднинг “Йўқотганларим ва топганларим”, Носир Фозиловнинг “Устозлар даврасида”, Абдусайд Кўчимовнинг “Эл сув ичган дарёлар” асарларида портрет жанрининг ишланиши

- Дадахон Нурий очерклариди муаммонинг қўйилиши
- Жамиятнинг долзарб муаммоларига бағишланган муаммоли очерклар таҳлили.
- Замонавий ўзбек йўл очерклариди Америка мавзуси. Америка ҳақида ёзилган йўл очеркларининг қиёсий таҳлили
- “Китоб дунёси” газетасида чоп этилган эсселар таҳлили
- Чингиз Айтматов, Мухтор Шохоновнинг “Чўққида қолган овчининг охи-зори” эссе-романини ўқиш. Унда қаламга олинган долзарб масалаларни таҳлилга тортиш
- “Тафаккур” журналида чоп этилган эсселарда муаллиф индивидуаллиги
- “Жаҳон адабиёти” журналида чоп этилган бадиаларни ўрганиш
- Иқбол Қўшшаева эсселарида мантиқий мушоҳада ва бадиий тафаккур уйғунлиги
- “Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида” (О.Шарафиддинов) китобидаги эсселар таҳлили
- Гафур Гулом, Абдулла Қаҳҳор ижодида миллий колоритнинг акс этиши
- 6-семестр
- Лавҳа-бадиий публицистикнинг жажжи жанри
- Хат турлари
- Матбуотда очик хат жанрининг ишланиши
- Ўзбекистон Қаҳрамони О.Шарафиддиновнинг журналист Муҳаммадjon Обидовга ёзган очик хати
- Соҳамиз камчиликлари – фельетон мавзулари
- Абдулла Қодирий фельетонларининг тили ва услуби
- Худойберди Тўхтабоевни машҳур қилган фельетонлар таҳлили
- Зухриддин Исомиддинов фельетонларида долзарб мавзулар талқини
- “Муштум” журналида чоп этилган кичик ҳажвий жанрлар таҳлили
- Шодмон Отабекнинг “Дўрмон хангомалари”, Саид Аҳмаднинг “Хандон писта” китобига киритилган ҳаётий латифалар, хангомаларда юмор
- Карикатура кичик ҳажвий жанр сифатида
- Озод Шарафиддинов “Довондаги ўйлар”, “Ижодни англаш бахти”, Эркин Воҳидов “Шоиру, шеър, шуур”, Ўткир Ҳошимов “Нотаниш орол”, Хуршид Дўстмуҳаммад “Ижод кўнгил мунавварлиги” тўпламларига киритилган адабий танқидий мақолаларнинг таҳлили
- Ёзувчиларнинг “Шарқ юлдузи” журналида чоп этилган адабий-танқидий мақолалари Галабаларнинг ёзган очеркларини таҳлил қилиш (мавзу маҳорати нуқтаи назаридан).

VI. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари

Асосий адабиётлар

1. Нестеренко Ф.П., Эрназаров К.Т., Маматова Я.М. Труд журналиста: профессионализм, творчество, мастерство. Учебное пособие. –Т., 2002.
2. Худойкулов М. Журналистика ва публицистика (ўқув қўлланмаси). – Т.: Университет, 2008.
3. Қосимова Н. Тошпўлатова Н. Шофайзиева Н. ОАВ тахририятлари учун ўқув қўлланма. –Т., 2008.
4. John r. Bender, lucinda d. Davenport, michail w. Darger, fred fedler“Writng and reporting for the Media”–New York Oxford university press.
5. Introduction to Journalism Student Activities Book, by Dianne Smith, MJE, 2010.

Қўшимча адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2016. – 29 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Т.:Ўзбекистон, 2017. – 485 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. – Т.:Ўзбекистон, 2017. – 103 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 47 б.
5. Alfred Lawrence Lowrenz, John Vivian. News Reportig and Writing. –USA: Allyn and Weson, 1996.-616 p.
6. Ворошилов В.В. Журналистика. Учебник. – СПб.: Изд-во Михайлова, 1999.
7. Девид Рэндалл. Универсальный журналист. –Алматы, 1996.
8. Ким М.Н. Новостная журналистика. Учебник. – СПб.: Изд-во Михайлова, 2003.
9. Ким М.Н. Технология репортажа.Учебник. –СПб.: Изд-во Михайлова, 2004.
10. Мельник Г.С., Тепляшина А.Н. Основы творческой деятельности журналиста. – СПб.: Питер, 2006.
11. Мўминов Ф.А. Журналистское расследование –Т.: Университет, 2002.

Интернет сайтлари

12. www.pedagog.uz
13. www.ziynet.uz

